O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 27-MAY ■ PAYSHANBA ■ 64 (27.239) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ЭЛ-ЮРТГА ҲАЛОЛ, ВИЖДОНАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

25 май куни халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятининг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги салмоқли ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди. Вилоятнинг юртимиз ғалла мустақиллигини таъминлаш, пахтачиликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, саноат ва қурилиш, ободончилик, ижтимоий соҳа бўйича амалга оширилаётган ижобий ишлари Андижон аҳли меҳнатининг самараси эканини қайд этди.

Вилоятда ғалла ҳосилдорлиги бир неча баробар ошди. Янги, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ҳисобига пахта ҳосилини барвақт йиғиштириб олиш ва юқори навларга топшириш имкони пайдо бўлди.

Бугунги кунда вилоятда юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатяпти. Вилоят кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўз маҳсулотларини жаҳоннинг кўплаб мамлакатига экспорт қилаётир.

Шу билан бирга, вилоятда ҳали ечилмаган, биринчи галда, одамларни ташвишга солаётган муаммолар анчагина. Бу, аввало, раҳбарлик лавозимида ўтирганлар ўз масъулиятини қай даражада ҳис этиб, сезиб ишлаётганига тегишли. Президентимиз ана шулар ҳақида батафсил тўхталди. Мавжуд нохуш ҳолатлар вилоят раҳбарияти фаолиятига холис баҳо бериб, зарур чораларни кўришни талаб этганини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Қобилжон Обидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимида ишлаб келаётган Сайдулло Бегалиев вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Асака тумани ҳокими Тилаволди Ёқубов, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаззам Шамсибоева, Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги Куйганёр академик лицейи ўқитувчиси Оминахон Омонова, Андижон туманидаги "Усмон ҳожи" фермер хўжалиги раҳбари Абдураҳмон Болтабоев ва бошқалар Юртбошимиз нутқида қўйилган вазифалар барчани янада ташаббускорлик ва масъулият билан ишлашга ундашини таъкидладилар.

**(ЎзА)**

✧✧✧

**Суратда:** сессиядан лавҳа.
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ



Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам депутатлар!

Авваламбор, бугун сиз, муҳтарам Андижон элининг вакиллари билан дийдор кўришиб хурсанд бўлганимни ва шу имкониятдан фойдаланиб, бутун вилоят аҳлига ўзимнинг ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан мамнунман.

Ҳар доим мана шундай учрашувларда мен одамлардан ҳол-аҳвол сўраш, уларнинг ишлари, кайфиятларидан хабардор бўлиш билан бирга, уларнинг ҳаёт кечириши, ҳаёт ташвиш ва ўзгаришларига муносабатини билишни истайман.

Ҳозирги кунда юртимизда, жумладан, Андижон заминида бўлаётган жараёнларга сизлар қандай баҳо беряпсизлар — нимадан рози, нимадан норозисизлар, нималар сизларни безовта қиляпти, деган масалалар мени биринчи навбатда қизиқтиради, эътиборимни ўзига тортади.

Бунинг сабабини тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман.

Халқимиз бугун белини қаттиқ боғлаб, олдида турган эзгу ният ва марраларга эришиш мақсадида астойдил меҳнат қилаётган бир пайтда нималар, қандай муаммолар йўлимизда тўсиқ бўлиб турганини, барчамизни ташвишга солаётганини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Аввало, бу муаммоларни, ҳаётимизда содир бўлаётган воқеаларни ўртага қўйиб, уларни атрофлича таҳлил қилиб, холисона баҳосини бермасак, зарур ечимини топмасак — ҳаммамизга аён бўлиши керак — бундай ҳолат чуқур илдиз отиб, яхшиликка олиб келмайди.

Худди мана шундай кўз билан қараб, кейинги йилларда Андижон вилояти аҳлининг машаққатли, мардона меҳнати эвазига қўлга киритилган марралар ҳақида, шу билан бир қаторда ҳали ечилмаган, биринчи галда, шу ерда истиқомат қилаётган одамларни ташвишга солаётган муаммолар тўғрисида, учраётган хато ва нуқсонлар, аввало, раҳбарлик лавозимида, мансабда ўтирганларнинг масъулияти ҳақида тўхталиб ўтишга рухсат этгайсиз.

Бугун ҳеч кимга сир эмас, вилоятнинг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги салмоқли ўрни ва аҳамияти, Андижон халқининг ибратли ва фидокорона меҳнати ҳақида кўп гапириш мумкин. Айниқса, вилоят меҳнаткашларининг истиқлол йилларида қўлга киритган катта ютуқларини бугун яна бир бор эслаш, эътироф этиш ўринли бўлади.

Андижон халқининг мамлакатимиз ғалла мустақиллигини таъминлаш, пахтачиликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини, саноат ва қурилиш, ободончилик, ижтимоий соҳа бўйича амалга ошираётган ижобий ишларини хаёлимиздан ўтказадиган бўлсак, Андижонни Андижон қилган, унинг шуҳратини дунёга тараннум этаётган минг-минглаб заҳматкаш, мард ва фидойи инсонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Қисқа давр ичида, яъни кейинги тўрт-беш йил мобайнида вилоятда ғалла ҳосилдорлиги бир неча баробар ошгани — бу албатта, андижонлик деҳқонларнинг нафақат меҳнат жасорати, айни пайтда ватанпарварлик намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигида янги, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, шу ҳисобидан пахта ҳосилини барвақт йиғиштириб олиш ва юқори навларга топшириш, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, умуман, Андижон деҳқончилик мактабига хос илғор ва самарали тажрибалар бугунги кунда бутун мамлакатимизда оммалашиб бормоқда.

Ҳаммамизга маълумки, ўтган йил деҳқончилик учун ниҳоятда оғир келди. Лекин шундай мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, вилоят пахтакорлари бор имкониятларини ишга солиб, астойдил меҳнат қилганига барчамиз гувоҳмиз.

Ўтган давр мобайнида Андижон вилояти мамлакатимизнинг ўзига хос ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўлган йирик саноат минтақасига айланганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бугунги кунда бу ерда нуфузли чет эл фирма ва компаниялари иштирокида ташкил этилган 100 га яқин замонавий қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

### С.БЕГАЛИЕВНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Сайдулло Бегалиев Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 25 май.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

### Қ.Ғ.ОБИДОВНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Қобилжон Ғофурович Обидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 25 май.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг, республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа давлат тузилмалари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оилада, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ўрнини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни танқидий баҳолаб, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва янгиланишлар ислоҳотларнинг мавқеиси даражасига кўтариш чора-тадбирларини жорий этсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг тегишли хотин-қизлар қўмиталари раисларининг вазифаларни тақсимлаш бўйича улар зиммасига юклатиладиган ваколатлар доираси жиддий равишда қайта кўриб чиқилсин ва фаолиятига кенг йўл очиб берилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг энг муҳим вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларни касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, уларнинг социал, ижтимоий-сиёсий фаоллигини давлат қурилиши соҳасидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган умуммиллий сиёсатни рўёбга чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

(Давоми 3-бетда.)

## «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 2004 йил 28 май куни Қозоғистон Республикасининг пойтахти Остона шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

**Халқ демократик партияси ҳаётидан**

### ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Республика Олимпия захиралари коллежида Президент И.Каримовнинг «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» номли янги китоби юзасидан мулоқот бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А.Рустамов ва Олий Мажлис депутати О.Мусурмонова давлатимиз раҳбарининг мазкур китоби моҳияти, унда кўтарилган долзарб вазифалар ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Тадбирни коллеж директори Б.Юсупов олиб борди.

### САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрининг кўпгина жойларида Меҳр ва мурувват йили тадбирлари доирасида қатор учрашувлар, самимий суҳбатлар ўтказди. Тадбирларда Олий Мажлис депутати, парламентнинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси аъзоси Г.Йўлдошева, ХДП МК маслаҳатчиси В.Абдусаматов, ХДП Самарқанд вилоят кенгаши биринчи котиби К.Исобеков, Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Шокирова ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими раиси Г.Худойбердиева иштирок этдилар. Жумладан, улар Самарқанд шаҳридаги Эндокринология маркази, 2-шаҳар туғуруқхонаси, 2-сил касалликлари болалар шифохонаси, Пастдарғом туман марказий шифохонасида бўлиб, мулоқотларда Олий Мажлиснинг ўтган сессияси якунлари, Президент И.Каримовнинг унда сўзлаган нутқида кўтарилган асосий масалалар ҳақида гапириб бердилар ҳамда уларнинг саволларига батафсил жавоб қайтардилар. Шунингдек, улар мазкур шифохоналарга дори-дармон ва асбоб-ускуналар топширдилар.

ХДП вакиллари Самарқанд шаҳридаги маҳаллалар марказида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳам учрашиб, долзарб мавзуларда фикрлашдилар. Тадбирда Самарқанд шаҳар ҳокими М.Ҳошимов сўзга чиқди.

**Ҳисобот-сайловлар**

### ЧУҚУР ТАҲЛИЛ АСОСИДА

Яккасарой туманидаги «Конституция» маҳалласи ҳудудий бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда маҳалла фаоллари билан бирга Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчи ва талабалари ҳам иштирок этдилар.

Университет биринчи проректори А.Қирғизбоевнинг партия ташкилоти томонидан амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар таҳлилига бағишланган маърузаси тингланди. Партия аъзоларидан А.Акромов, П.Эргашев, Л.Муҳаммадиев, Б.Нуриллаев сўзга чиқиб, БПТ фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби А.Рустамов сўзга чиқди, Низомий номидаги ТДПУ ректори Б.Қодиров, Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Л.Ғуломов иштирок этдилар.

### ҲАЁ ВА АНДИША

Юнусобод туманидаги 26-оилавий поликлиника бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов мажлисида бу масалага катта эътибор берилди. Зеро, Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, одоб-аҳлоқ қоидалари, ҳаё ва андиша каби хислатлар бизнинг халқимиз учун юксак қадрият ҳисобланади..

Мажлисда терроризмга, диний экстремизмга, гиёҳвандликка қарши кураш тўғрисида гап борар экан, рекламалардаги баъзи салбий ҳолатларга эътибор қаратилди. Чунончи, ҳозирда контрацептик (исталмаган ҳомиладорлик олдини олиш), воситалар рекламасига жуда катта эътибор берилмоқда: бу воситалар баъзи ОАВ орқали ҳамда метро, автобус ва трамвайларда, кўча-кўйларда намойиш қилинмоқда.

Йиғилишда бундай рекламаларни беришда шакл ва миқдорга эътибор қилиш, халқимизнинг менталитетини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда БПТ котиби Ш.Тожибоева қилган ҳисобот маърузаси бўйича музокараларда Ўзбекистон ХДП МК масъул ходими Н.Тоиров, Юнусобод туман партия кенгаши биринчи котиби У.Шоймқулов, поликлиника бош шифокори К.Шокирова ва бошқалар сўзга чиқишди. Партиядошлар 13 йилдан буён БПТ котиби вазифасини бажариб келаётган Ш.Тожибоевани яна ўзларига етакчи этиб сайлашди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## ОСАКАДА ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙ КОНСУЛИ ИШ БОШЛАДИ

Япония собиқ бош вазири Ёширо Мори, парламент депутатлари Тошихико Никкай, Коки Чума, Япония вазирлар маҳкамаси махсус маслаҳатчиси, мамлакатнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кёко Накаяма хоним каби таниқли сиёсатчилар Осака шаҳрида республикамиз Фахрий консулхонасини очиш ғоясини қизғин қўллаб-қуватладилар.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчиси М.Очилов сўзга чиқиб, ушбу воқеа мамлакатимизнинг турли соҳалардаги ҳамкорлик риштлари ва дўстона алоқалар самарадорлигига хизмат қилишини таъкидлади.

Республикамиз Фахрий консулхонасининг айнан Осака шаҳрида очилгани бежиз эмас. Чунки шаҳар жойлашган Кансай минтақаси йирик иқтисодий, сармоявий ва маданий салоҳиятга эга бўлиб, ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга моликдир.

Айни пайтда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент — Токио — Осака йўналишида ҳафтасига уч марта ҳаво қатновини амалга оширмоқда. Июль ойидан бошлаб эса бу кўрсаткични ҳафтасига тўрт мартага етказиш режалаштирилаяпти.

Маросимда йирик япон компанияларидан бири — «Chori Co., Ltd» маслаҳатчиси Хисао Накамура номзоди Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фахрий консули лавозимига тасдиқланганлиги эълон қилинди. У Япония сиёсий ва ишбилармон доираларида катта ҳурмат-эътибор қозонган шахс ҳисобланади.

— Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ришталарни янада ривож топишида ўз кучимни аямайман, — дейди Ўзбекистон Фахрий консули «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида. — Мен алоҳида таъкидлашни истар эдимки, ўзаро ҳамкорлигимизнинг абадий давом этишига ишончим комил. Чунки япон халқи Буюк ипак йўлида жойлашган Ўзбекистонни чин юракдн севади ва унга интилиб яшайди.

**Беруний АЛИМОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
*Токио.*

DETUR IPAK YO'LI TURIZM
Хушҳаво маскан
Яхши ҳордиқ омили
АНТАЛИЯГА ҲАР ЎН КУНДА ИЮНДАН БОШЛАБ ЧАРТЕР ҚАТНОВЛАРИ
Маҳбуп нархлар ва чегирмалар
Бизга ёки сайёҳлик агентликларингизга қўнғироқ қилинг:
Тел.: +(998-71). 134-98-60, 134-99-13. Факс: +(998-71) 134-98-93.
E-mail: info@ detursilkroadtashkent.com
700000, Тошкент, А.Темур кўчаси, М-4.
«Деденан Силк Роуд Тошкент» меҳмонхонаси
HOTEL DEDEMAN SILK ROAD

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

# ЭЛ-ЮРТГА ҲАЛОЛ, ВИЖДОНАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айниқса, маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган кўплаб кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўз маҳсулотини жаҳоннинг 38 мамлакатига экспорт қилаётгани вилоятнинг саноат соҳасидаги салоҳияти қанчалик юксалганидан далолат беради.

Нафақат вилоят маркази, балки олис туман ва қишлоқларнинг ҳам қиёфаси ўзгариб бораётгани вилоятда ободончилик соҳасида ҳам катта ишлар қилинаётганини кўрсатади. Шулар қаторида ҳозирга қадар 60 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, кўплаб замонавий спорт иншоотлари қурилиб ишга туширилганини бу борадаги салмоқли қадам, деб баҳолаш лозим.

Равон йўллар, шинам турар жойлар, боғ-роғлар, майдон ва хиёбонлар бугун ҳар қандай одамнинг ҳам эътиборини ўзига тортади.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида Андижон мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, миллий тараққиётимизда ўзига хос ва ўзига мос ўрин тутадиган вилоятга айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мана шу давр мобайнида Андижон аҳли қандай муваффақият ва ютуқларга эришган бўлса, уларни шу элга мансуб бўлган мардлик, изланиш ва тадбиркорлик фазилатлари билан қўлга киритганини, бу юксак марралар фидокорона меҳнатнинг ҳақиқий белгиси ва самараси эканини ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди.

Андижон вилоятининг ўтган йили Ватанимизнинг юксак мукофоти — Амир Темур ордени билан тақдирлангани ҳам шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди.

Азиз дўстлар, агар эътибор берган бўлсангиз, сизлар билан ўтган йиллар давомида неча марта учрашган бўлсак, мен Андижон элининг бундай олижаноб хусусиятларини доимо завқ билан тилга олганман, бу ҳақда такрор-такрор гапирганман.

Ҳақиқатан ҳам, Андижон аҳлининг азму шижоатидан ҳайратда қолганимни, шу юртнинг гуллаб-яшнаши учун, унинг чиройига чирой қўшиш учун сизларнинг қилган мардона меҳнатингизга тасаннолар айтиб билдирган фикрларимни мен бугун ҳам такрорлашга тайёрман. Нега деганда, чин юрагимдан чиққан бу сўзлар менинг Андижон халқига бўлган самимий эътироф ва ҳурмат-эҳтиромим ифодасидир.

Бугун мамнуният билан айтиш керакки, Андижоннинг қадимий ва ҳамиша навқирон заминида шу элнинг муносиб фарзандлари, янги авлод вояга етмоқда.

Биз бошлаган эзгу ишларнинг давомчилари бўлмиш бу ёшларимизнинг етук ва баркамол инсонлар бўлиб улғаяётгани, уларнинг бахту иқболи кўпчилик ота-оналар, жамоатчилик қатори менга ҳам қувонч ва фахру ифтихор бағишлайди. Лекин, очиқ айтишим керак — бугун сизлар билан фақат шулар ҳақида гапириш, фақат ютуқларни санаш ёки уларни таърифлаш учун йиғилганимиз йўқ.

Ўйлайманки, ҳаммангиз тўғри тушунасиз, бугун Андижонга келиб, сизлар билан учрашиб турганимизнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Агарки биз Ўзбекистонимизни бамисоли денгизда сузиб бораётган улкан бир кема деб тасаввур қиладиган бўлсак, унинг ўз йўлидан оғишмай олға бориши учун аниқ мақсад ва режаларга эга бўлиши зарурлигини барчамиз яхши англаймиз, албатта.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсад ва режаларимиз эса барчага аён — халқимиз ҳаётини тараққий топган давлатларнинг даражасига кўтариш, эркин ва озод жамият қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаш.

Бугун биз ана шундай олий мақсадлар сари интилар эканмиз, бу борада қанча-қанча қийинчиликлар, турли муаммо ва синовларга дучор бўлишимиз ҳам табиий, албатта.

Мана шундай шароитда ҳар қайси катта-кичик ҳудуд ёки минтақанинг ҳаётида — у вилоят ёки шаҳар бўладими, туман ёки хўжалик бўладими — бундан қатъи назар, раҳбарнинг ўрни, раҳбар шахсининг таъсири қанчалик муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида ортиқча тўхталиб ўтиришга зарурат бўлмаса керак.

Мен фақат шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, раҳбарлик лавозимига кўтарилган кишиларнинг энг асосий, энг муқаддас вазифаси — уларни тарбия қилган, билим берган, ишонч билдириб, юксак мартабага муносиб кўрган эл-юртига виждонан, ҳалол хизмат қилиш ва доимо зиммасига олган юксак масъулиятни сезиб, ҳис этиб яшашдир. Раҳбарнинг ишига баҳони шу халқ, шу юрт беради. Тарих тажрибаси ва синовидан ўтган мана шу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бугунги сессия мажлиси кун тартибига қўйилган масалани кўрар эканмиз, барчамиз унга айнан мана шу нуқтаи назардан қараб, муҳокама қилишимиз ва тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур, деб ўйлайман. Албатта, ҳар қайси вилоят, туман ёки хўжалик фаолиятида, такрор айтаман, ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бўлиши муқаррар.

Шу маънода, катта суръатлар билан ривожланиб бораётган мамлакатимиз иқтисодиётида — бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, мавжуд ер ости ва ер усти бойликларимизни халқимиз манфаати йўлида ишлатиш бўладими, хизмат кўрсатиш ёки илм-фан, маданият, таълим-тарбия соҳалари бўладими — уларнинг барчасида ютуқлар билан бир қаторда, ишни бугунги замон талаблари асосида тўғри ва самарали ташкил этишда ҳали-бери камчилик ва нуқсонлар, оқсоқлик борлигини ва улар йўлимизда тўсиқ бўлиб турганини инкор этиб бўлмайди. Бу ҳам ҳаётимизнинг аччиқ бир ҳақиқати, десак, янглишмаган бўламиз.

Биз айрим вилоятлар, шаҳар ва туманлар, керак бўлса, бутун республикамиз миқёсида ижтимоий-иқтисодий, демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнини таҳлил қилар эканмиз, бундай ҳолатларни ҳеч қачон яширганимиз йўқ ва бу ҳақда доимо очиқ-ойдин гапирамиз.

Буни хориждаги бизни хушламайдиган, бизни кўролмайдиган мухолифларимиз ҳам тан олишга мажбур бўлмоқда.

Яъни, Ўзбекистон давлати ва жамоатчилиги ўз тараққиёт йўлида учраётган хато-камчиликларга ўзи холис ва танқидий баҳо бера олади ва шу боис четдан кимдир келиб буни кўрсатишига ҳожат қолмайди. Чунки биз ўз ютуқларимиз ва имкониятларимизни ҳам, камчиликларимизни ҳам кўпроқ ўзимиз сезамиз, ўзимиз кўрамиз.

Илгари ҳам кўп бор айтган, ҳаётнинг ўзи тасдиқлаган ҳақиқатни яна такрорлайман. Биз ўзимиз, ўз қўлимиз, ўз меҳнатимиз билан қилишимиз керак бўлган ишларни ҳеч ким четдан келиб, бизнинг ўрнимизга бажариб бермайди. Ва табиийки, биз ўз мақсад-муддаоларимизга етмоқчи эканмиз, бу нуқсонларни, аввало, ўзимиз аниқлаб, уларни бартараф этишимиз керак. Бундай ҳолатларни бекитиш, сир тутишга уриниш кимнидир эмас, аввало, ўзимизни алдаш демакдир.

Охир-оқибатда бугун яширган, сир тутган муаммолар эртага кутилмаганда бошқа бир жойдан, албатта, ёриб чиқади ва ҳал этиш қийин бўлган масалага айланади.

Бизнинг амалга ошираётган ҳар бир ишимизга, умуман фаолиятимизга баҳо беришда айнан мана шундай қараш, мана шундай холисона ёндашув ҳукмронлик қилиши керак. Бошқача айтганда, иш фаолиятимизни таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқаришда юзаки ва бирёқлама қарашлардан воз кечиш лозим.

Бу ғаллачилик ёки пахтачилик бўладими, қурилиш ёки ободончилик бўладими — қайси соҳа ёки тармоқ бўлмасин, фақат кўзга ташланиб турган натижалар ҳақида гапирмасдан, масалага кенгроқ қараб, ҳаётнинг бундан ҳам муҳимроқ томонларига, яъни барча қилган ишларимиз пировардида юртдошларимиз, халқимизнинг кайфиятига, уларнинг ҳаётига қандай таъсир ўтказаётгани ҳақида ўйлашимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки — вилоятнинг ишлаб чиқариш режаларини бажариши, албатта, муҳим, лекин одамларнинг кайфияти ва қарашларига, авваламбор, уларнинг оладиган маоши ва даромади, оила ҳаётини тебратиш, ижтимоий ҳимоя, маънавий муҳит билан алоқадор бўлган барча-барча масалалар кучли таъсир ўтказишини унутмаслигимиз керак.

Бу, аввало, одамларнинг ўз фаолиятини эркин юритиши учун шароит яратиш бўладими, савдо-сотиқ ёки аҳолига кундалик зарур эҳтиёж молларини етказиб бериш бўладими, транспорт, коммунал ва маиший хизмат бўладими, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш бўладими, шулар қаторида қабул қилинган қонунларга итоат қилиш, тартиб-интизомни сақлаш бўладими, шу соҳаларга жавоб берадиган ташкилот ва раҳбарларнинг ўз вазифасини тўғри адо этиши бўладими — бир сўз билан айтганда, давлат ва жамият, инсон ҳаётига дахлдор бундай масалалар одамларнинг кайфиятини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Мен ҳозир ўз сўзимда, одамларнинг ўз фаолиятини эркин юритиши, деган иборани ишлатдим. Бу нима дегани? Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун — кечаги замон эмас. Инсон, аввало, Конституция, қонунлар ва ҳуқуқий мезонлар асосида яшаши керак. Бугун давлат манфаати эмас, инсон манфаати биринчи ўринда туриши даркор. Фаровон ва бахтли ҳаёт учун қандай эркинликлар зарур бўлса, ҳаммасини туғдириб беришимиз лозим.

Бу борада юртдошларимизнинг энг кўп норозилигини уйғотадиган нарса — адолатнинг бузилишидир.

Азиз дўстлар, бугун мен Андижон вилоятидаги нохуш ҳолатлар ҳақида изтироб билан гапиряпман. Чунки сизлар ўзингизнинг ибратли ишларингиз билан Андижон ҳақида доимо яхши гапларни айтишга кўпчилик қатори мени ҳам ўргатиб қўйгансиз.

Кўп бор айтган гапни яна такрорлашга тўғри келади — одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин. Аммо адолатсизликка чидай олмайди. Халқимиз андишали, сабр-бардошли халқ. Аммо, билиб қўйинглар, сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор. Барча ҳокимлар, катта-кичик раҳбарлар шуни қулоғига қуйиб олсин.

Ўзингиз ўйланг, кимдир кунни кун, тунни тун демай меҳнат қилса-ю, лекин кимдир амалидан фойдаланиб, ўз манфаатини кўзлаб, турли ҳийла-найранглар билан бошқаларнинг ҳақига хиёнат қилса ва шунинг ҳисобидан, қўпол бўлса ҳам айтиш керак, қутуриб кетса — бу, албатта, жамоатчилик, эл-юртнинг эътирози ва норозилигига сабаб бўлади.

Мана шундай хунук, бемаза ишларга йўл қўймаслик учун ҳар қайси вилоят, шаҳар ва туманда ҳокимият тизими, шу масалаларга бевосита мутасадди бўлган ҳуқуқ-тартибот ва суд идоралари мавжуд.

Мисол учун, вилоятда ҳоким бор, лекин бу жойда қонунни ҳимоя қиладиган ташкилотлар ҳам борки, улар ўз фаолиятида мустақил бўлиши зарур. Улар учун қонун олдида барча — оддий фуқаро ҳам, мансабдор шахс ҳам баробар бўлиши ва уларга бир хил талаб билан ёндашиш керак.

Биз демократия ҳақида кўп гапирамиз. Лекин демократия сўзининг асосий маъно-мазмуни — бу адолат демакдир.

Масалан, яқинда вилоят суди раиси лавозимига янги номзод тайинлашда вилоят ҳокими бу вазифага ўз одамини қўйиш учун оёқ тираб олганини қандай тушуниш мумкин? Агар биз ҳокимият тармоқларининг бўлиниш тамойилига амал қилмасак, ҳар қайси ижроия ҳокимият раҳбари ҳокимиятнинг бошқа тармоғи ишига бундай ўзбошимчалик билан аралашишга уринадиган бўлса, у ҳолда, ҳаётда адолат у ёқда турсин, оддий тартиб-интизомни ўрнатиб бўладими? Мана шундай вазиятда одамлар, фуқаролар дардини кимга бориб айтади? Шунинг учун барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳоким — ҳокимлигини қилсин, суд — судлигини. Шундагина ҳаётда тартиб бўлади, адолат бўлади.

Гап бугун фақат битта одамни ишдан олиб, бошқасини қўйиш ҳақида бораётгани йўқ. Биз, аввало, шу ҳолатларга олиб келган сабабларни чуқур таҳлил қилишимиз ва уларни бартараф этишимиз керак.

Давлат раҳбари сифатида менинг орзуим, мақсадим шуки, жамият ҳаётида айрим шахсларга эмас, балки аниқ қонун ва ҳуқуқ нормаларига асосланган тизим — система барқарор ишлаши керак.

Мисол учун, мана Швейцарияни олайлик. Бу мамлакатда оддий фуқароларнинг кўпчилиги мамлакат Президенти кимлигини ҳам билмайди. Нега деганда, бу ерда ана шу юқорида тилга олинган тизим ишлайди. Ёки Италияни оладиган бўлсак, бу ерда ҳам ҳукумат тез-тез алмашиб туради. Аммо ҳаёт ўз йўлида кетаверади — саноат, қишлоқ хўжалиги, банк-молия муносабатлари, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, савдо-сотиқ масаласи, бир сўз билан айтганда, давлат тизими ишлайверади.

Биз Ўзбекистонда ҳам шундай шарт-шароитни вужудга келтиришимиз керакки, раҳбар қанча буюк бўлмасин, қанча доно бўлмасин, мамлакат ҳаёти бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўз маромида давом этиши лозим.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади — ҳамма жойда ҳам, аввало, раҳбарлар ва масъул ходимларнинг фаолияти, юриш-туришига қараб, уларнинг оилавий ҳаёти ва маънавий қиёфасига қараб, фуқароларнинг, умуман жамиятнинг ҳокимиятга бўлган ишончи ёки ортади ёки бутунлай йўқолади.

Лавозим курсисида ўтирган, ҳокимият номидан иш юритадиган баъзи шахслар ўзининг номаъқул ишларини яширишга қанчалик уринмасин, одамлар шу жойда адолат тамойиллари бузилишига қараб, бундай раҳбарларнинг издан чиқиб кетганини барибир сезади, билади.

Бу ҳақда гапирар эканман, ўйлайманки, мен сизлар учун ҳеч қандай янгилик очаётганим йўқ. Андижон вилоятида бугунги кунда мавжуд бўлган мана шундай ва шунга ўхшаган нохуш ҳолатлар ҳақида шу залда ўтирганлар мендан кўра кўпроқ билади.

Лекин бутун халқимиз қатори Андижон аҳлининг ҳам бошқаларда учрамайдиган бир хусусияти борки, у ҳам бўлса, андиша туйғусидир. Бундай хусусиятни ифодалайдиган бошқа сўзлар ҳам бор ва улар сизларга жуда яхши таниш. Бунинг отини бетга чопмаслик, истиҳола, дейди, ўзбекчилик, мусулмончилик, дейди.

Шуни ҳам айтишимиз керакки, халқимизда азалдан ўзидан ёши ёки ҳаётий тажрибаси каттароқ бўлган одамни ҳурмат қилиш одати ҳам борки, буниям инобатга олмасдан бўлмайди.

Энди, бундай хусусият ва аломатлар кимгадир ёқадими, ёқмайдими — улар ҳаётимизда бор. Ва биз табиатан шундай халқмиз. Лекин бундай хусусиятлар гоҳ-гоҳ ишимизга халақит беришини ҳам англашимиз керак, деб ўйлайман.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун кун тартибига қўйилган масала, яъни ташкилий масала устида ўйлар эканмиз, бунга олиб келган сабабларни кўз ўнгимиздан ўтказиш, ортимизга бир назар ташлаб, шулар орасидан энг асосийларини ажратиш ва уларнинг моҳиятига етиб бориш барчамизнинг инсоний бурчимиз, деб ҳисоблайман.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Андижон вилояти мустақиллик йилларида барча соҳаларда катта қадамлар қўйди. Ўзбекистондаги улкан ўзгаришларда, янги ҳаёт, янги жамият қуриш борасида эришилган марраларда Андижон аҳлининг муносиб ҳиссаси бор, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Энг муҳими, бугун Андижон диёрида ҳаётга, меҳнатга янгича ёндашув қарор топмоқда.

Одамларнинг онгу тафаккурида шу тупроқ, шу муқаддас замин ўзимники, мен учун Андижондан, Ўзбекистондан бошқа Ватан йўқ, она юртимнинг бугунги ва эртанги куни, аввало, менга боғлиқ, деган ҳис-туйғулар тобора кучайиб бормоқда.

Мана шундай ғурур, мана шундай келажакка ишонч мактабларда, лицей ва коллежларда, ўқув юртларида таълим олаётган минг-минглаб ёшларимизнинг кўзларида чақнаб турганини кўриб, ҳар қандай киши тўлқинланиб кетади.

Яна бир ижобий ҳол — Андижон элида эгалик, мулкдорлик ҳисси, менинг кичкина бўлса-да, ўз очган ишим бор, орттирган мулким, бойлигим бор ва у албатта, ўзимники, ундан нафақат оилам, фарзандларим, балки бутун элу юрт наф кўради, деган қараш мустаҳкамланиб бормоқда.

Менинг давлатим, халқимнинг дунёда муносиб ўрин эгаллаши менинг меҳнатим ва интилишларимга боғлиқ, деган фикр билан яшаётганларнинг сафи кун сайин кенгаймоқда.

Албатта, баъзилар, ишнинг натижаси, ишнинг якуни омадга ҳам боғлиқ, деб айтиши мумкин. Лекин ҳаёт шуни кўрсатадики, омад ўз-ўзидан келмайди. Омадни Оллоҳнинг назари тушган инсонга, юртга беради, Оллоҳни қалбида, юрагида олиб юрганларга, яхши ният ва яхши орзу билан астойдил интилиб меҳнат қилаётганларга беради.

Менинг назаримда, бу ютуқларнинг асосий сири шундаки, Андижон аҳли доимо иноқ бўлиб, бир-бирига кўмак бериб, узоқни кўзлаб яшамоқда. Вилоятдаги барча ибратли ишлар замирида мана шундай ҳамжиҳатлик мужассам. Ва шубҳа йўқки, истиқболни, фарзандларининг бахту саодатини ўйлаб яшаётган Андижон халқи ҳеч қачон кам бўлмайди. Юрагимдаги бир гапни очиқ айтадиган бўлсам, мен сизларга ишонаман, сизларни яхши кўраман.

Раҳбарлар ўзгаради, янги одамлар келиб кетаверади, лекин ҳамма нарсани шу эл, шу юртга меҳр қўйган, мард ва танти, лафзи ҳалол меҳнаткаш халқнинг бунёдкорлик меҳнати ҳал қилади.

Бу гапларнинг барчаси — ҳақиқат, уларга яна бирор нарса қўшимча қилиш қийин, деб ўйлайман.

Лекин шуни ҳам тан олишимиз керакки, биз охирги йиллар асосан ва кўпроқ Андижоннинг ютуқлари ҳақида гапирадиган бўлдик.

Вилоят ҳаётида йўл қўйилаётган камчиликлар, эришилмаган марралар, аҳоли турмушига бевосита таъсир кўрсатадиган соҳалардаги хато-нуқсонлар, айрим раҳбарларнинг мақтовдан боши айланиб, ўзини йўқотиб, оёғи ердан узилиши билан боғлиқ масалаларга эътибор кам бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу ўринда гап, аввало, Андижон вилоятининг биринчи раҳбари Қобилжон Обидов фаолияти ҳақида кетмоқда.

Албатта, барчамиз эътироф этамиз: шу заминда туғилиб, узоқ йиллар шу ерда ишлаб, Андижонни обод этиш, уни улуғлаш учун кўп хизмат қилган бу раҳбар оғир пайтларда ҳам шу элга етакчилик қилиб, ўз қобилиятини, ўз салоҳиятини намоён этган.

Ва шу даврда Андижон вилояти қандай натижаларга эришган бўлса, уларда бу раҳбарнинг ҳиссаси борлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Шунинг учун ҳам унинг меҳнат фаолияти катта мукофот ва унвонлар билан тақдирланган.

Лекин чуқур таассуф билан таъкидлашимиз керакки, охирги йилларда Қ.Обидовнинг юриш-туриши, ўзини тутиши, одамлар билан муносабати тобора ўзгариб бораётганини кузатиш қийин эмас.

Бу раҳбарнинг бошқаларни фикрига беписандлик билан қараш, манманлик — шуни ҳам айтишимиз зарур — доҳийлик касаллигига берилиб кетгани, айниқса, ачинарлидир.

Ишга жуда катта зарар етказаётган томони шу бўлдики, бу одам атрофида юрганлардан кўпроқ мақтов эшитишга ўрганиб қолиб, ўз фаолиятига танқидий ёндашиш у ёқда турсин, оддий танқидга ҳам чидолмайдиган раҳбарга айланиб қолди.

Бундай вазият, албатта, Андижон шаҳар ва туманларидаги ҳолатга, керак бўлса, вилоятдаги умумий муҳитга салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Бу одамнинг ўзини катта тутиб, вилоятнинг тақдирини белгилаб берадиган кўпгина соҳа ва масалаларни ўзига номуносиб, иккинчи даражали ишлар қаторида кўриб, уларни ҳал қилиш, ечимини топиш, мавжуд муаммоларнинг олдини олишни бошқаларга — ўз ёрдамчиларига ташлаб қўйиб, бундай тартибни иш услуби ва қоидасига айлантириб олганини ўзининг масъулиятини йўқотгани деб ҳисоблаш зарур.

Вазият шу даражага етиб борганки, вилоят ҳокими Тошкентдан Андижонга иш юзасидан келган айрим вазир ва раҳбарларни қабул қилмаган ҳолатлар ҳам бўлган.

Андижоннинг ўзида ҳам вилоят миқёсидаги раҳбар ва фаолларни ойлар ва йиллар давомида қабул қилмасдан, улар қўяётган масалаларга эътибор бермаган.

Бундай номақбул иш услуби, ўзининг раҳбарлик масъулиятини тўғри тушунмаслик охир-оқибатда қандай натижаларга олиб келишини англаш қийин эмас.

Раҳбар унинг зиммасига топширилган ҳудуд, эл-юртда бўлаётган барча ишларга жавобгар эканини яна тушунтириб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Вилоят ташвишларини ўз ҳолига ташлаб, кўпгина соҳаларни эгасиз қолдириб, фақатгина дала ишлари, ғаллачилик ва пахтачилик ҳисобидан ўзини кўрсатишга уринадиган раҳбар хато қилади.

Андижон мисолида кўпгина соҳаларда, аввало, оддий одамларнинг эҳтиёж ва талабларини қондирадиган йўналишларда бундай ёндашув натижасини кўриш мумкин. Энг ёмони, ишга бундай муносабат жойларда тартиб-интизомнинг бузилиши ва ўзбошимчаликка олиб келиши муқаррар.

Вилоятда ердан ноқонуний фойдаланиш, уни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа моддий бойликларни талон-торож қилиш, солиқ тўплаш, солиқ интизомини қўпол равишда бузиш, кўпгина ҳолатларда қонун бузғунчиларини ҳимояга олиш каби хунук мисолларни олиб келиш қийин эмас. Вилоятда 2003 йилнинг ўзида дон экинларига мўлжалланган 533 гектар майдонга бошқа экинлар экилган.

Масалан, Улуғнор туманидаги М.Иминов номли ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган "Шаҳриёр" фермер хўжалигига шартнома асосида берилган 18 гектар ер майдонининг ярми хўжалик раиси Х.Фозилов томонидан ноқонуний ҳолда олиб қўйилган.

Бу раҳбарнинг фаолияти ўрганилганда, унинг 2002-2003 йиллар давомида ширкатнинг 330 нафар аъзосига 72 гектар майдондаги ерни 28 миллион сўм пора эвазига бериб юборгани маълум бўлди.

Биргина жорий 2004 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 21,9 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик техникаси, 12,1 тонна нефть маҳсулоти, 46,1 тонна минерал ўғит ноқонуний ўзлаштирилган.

Булоқбоши туманида яшовчи омбор мудири М.Аҳмедов 4 тонна, Олтинкўл туманида яшовчи Д.Сиддиқов қарийб 5 тонна минерал ўғитни четга пуллаб юборган. Бу каби жиноий ҳаракатлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам содир этилаётгани ҳақида тегишли органларда етарли далил ва маълумотлар бор. Уларнинг ҳар бири бўйича суд ўз хулосасини чиқаради, албатта.

Вилоятнинг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудлари орқали турли маҳсулотларни юртимизга назоратсиз, контрабанда йўли билан олиб кириш, бу ёқдан эса металл ва нефть маҳсулотларини қонунсиз равишда олиб чиқиб кетиш ҳолатлари ҳали-бери давом этаётгани ҳақида кўп маълумотлар бор.

Масалан, Андижон туманидаги "Улуғ ёрду" кичик корхонаси ҳайдовчилари А.Умаров ва Х.Ибрагимов Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидан 33 минг 736 литр керосинни ноқонуний олиб кетаётганида ушланган.

Шу ўринда савол туғилади. Бу туманларнинг, корхона ва хўжаликларнинг эгаси борми ўзи? Бор, албатта, лекин афсуски, улар сен менга тегма, мен — сенга, деб фақат ўз манфаати, ўз тирикчилигини ўйлаш билан овора. Вилоятда хуфёна иқтисодий фаолият йўлига тўсиқ қўйиш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Шу йилнинг 1 май ҳолатига кўра нақд пул тушумига эга бўлган 334 та хўжалик субъектининг фаолияти ўрганилганда, уларнинг 321 тасида, яъни 96 фоизида назорат-касса машиналаридан фойдаланмаслик ва бошқа қоида бузиш ҳолатлари аниқлангани ҳам шу фикрни тасдиқлаб турибди.

Буларнинг натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида бюджетга ундирилган солиқлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан республика бўйича 23,4 фоизга ўсган бўлса, Андижон вилоятида умуман ўсиш бўлмаган.

Шундай хуфёна ишлар туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича товар айланмаси 130 миллиард сўмни ташкил этгани ҳолда, банк кассаларига атиги 18 миллиард сўм ёки жами тушумнинг 14 фоизи топширилган, холос.

Бу кўрсаткичлар Булоқбоши ва Асака туманларида 8 фоизни, Марҳамат ва Қўрғонтепа туманларида 5 фоизни, Пахтаобод ва Улуғнор туманларида 4 фоизни, Балиқчи туманида 3 фоизни, Бўз туманида эса — ҳатто одам айтишга ҳам уялади — атиги 2 фоизни ташкил этганини қандай изоҳлаш мумкин?

Қани, айтинглар, олинган тушум кассага эмас, киссага кетаверса, банкка пул тушмаса, биз фуқароларимиз олдидаги ижтимоий мажбуриятларимизни қандай бажарамиз?

Фахрийларнинг пенсиясини, нафақалар ва стипендиялар, кам таъминланган оилаларнинг ёрдам пулини, ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақини нима ҳисобидан тўлаймиз?

Вилоят раҳбарлари, мутасаддилар шу ҳақда ўйлайдими, йўқми?

Шу йилнинг 29 апрелига қадар вилоят бўйича 3,5 миллиард сўм миқдоридаги биринчи даражали ижтимоий тўловлар, пенсия ва нафақалар берилмасдан қолгани шунинг оқибати эмасми?

Ишга бундай лоқайдлик билан, мендан кетгунча — эгасига етгунча, деб ёндашув туфайли қанчадан-қанча одамларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжлари, ризқ-насибаси, тирикчилигига зарар етказилмоқда ва бу уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда сўнгги пайтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари анча кўпайган. Жумладан, транспорт воситаларини олиб қочиш 20 фоизга, порахўрлик 54 фоизга, қотиллик 36 фоизга кўпайган. Энг ёмони, номусга тегиш, талончилик каби жиноятчиликнинг оғир турлари кескин ўсган.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳолатларининг кўпайиб бораётгани барчамизда жиддий хавотир уйғотиши зарур. Андижон, Улуғнор, Бўз, Булоқбоши, Балиқчи ва Избоскан туманларида бу борадаги аҳвол, айниқса, ташвишлидир.

Яна бир масала ҳақида алоҳида тўхталишга мажбурман.

Ҳаммамизнинг ҳам оиламиз, фарзандларимиз бор. Албатта, оилавий турмуш, шахсий ҳаёт — бу ҳар қайси инсоннинг, аввало, ўз иши. Лекин эл-юртга раҳбар бўлган, етакчи бўлган одам бошқаларга ақл ўргатиб, уларга талаб қўяр экан, биринчи галда ўз боласининг тарбияси ҳақида ўйлаши керак. Халқимизнинг "Олдин ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ" деган ҳикмати ҳам бежиз айтилмаган.

Шу маънода, вилоят ҳокими ўз ўғлининг тарбиясига, унинг босар-тусарини билмай, отасининг обрўсига доғ тушишини ўйламасдан қилган бемаза ишларига панжа орасидан қараб келгани, айниқса, ачинарлидир.

Ҳурматли дўстлар!

Кўриб турганингиздек, бундай нохуш ҳолатларнинг барчаси вилоят раҳбарияти, аввало, биринчи ҳоким фаолиятига холис баҳо бериш ва зарур чораларни кўришни талаб этади. Қ.Обидов раҳбарлик фаолиятида йўл қўйган хато-камчиликларини ўзи ҳам тан олиб, лавозимидан озод қилишни сўраб ариза ёзган. Ана шу аризани овозга қўйиб, бу масалага ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Энди сизлар билан вилоятнинг янги раҳбарини сайлаб олишимиз керак.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Ҳаммангиз яхши тушунасиз, мана шундай даражага кўтарилган вилоятни бошқариш ўта қийин вазифа. Бу ерда бошланган ишларни давом эттириш учун қандай маҳорат керак, қандай ақл-заковат, куч ва ирода керак. Лекин ўйлайманки, андижонликлар билан ишлаш ҳам осон, ҳам оғир. Осонлиги шундаки, бу эл одамлари ўз ишини пухта билади, уларнинг меҳнатга, ҳаётга муносабати бошқача. Фақат уларга ўз имконияти ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун шароит туғдириб берилса, бас.

Шу билан бирга, раҳбар ўзига хос ғурурга эга бўлган вилоят аҳлининг кўнглини топмаса, амалий ишлари, шахсий ибрати, қатъият ва бағрикенглиги билан одамларнинг қалбига кириб бормаса, билиб қўйинглар, иш кетиши қийин.

Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман. Андижон элининг ўзига хос хусусият-аломатлари бор. Вилоятдаги ҳар бир ҳудуднинг, айтайлик, Олтинкўл ёки Қўрғонтепа, Асака ёки Избосканда яшайдиган одамларнинг ўзига яраша феъл-атвори, ўз туғилган жойи билан фахрланиш одати бор. Бунинг ёмон жойи йўқ, албатта. Лекин вилоят миқёсида туманларни бир- биридан устун қўймаслик, қарама-қарши қўймаслик керак. Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик каби иллатлар ориятли Андижон аҳлига мутлақо ярашмайди.

Айниқса, раҳбар инсон ҳаётига путур етказадиган майда гапларга, фисқу фасодга, маишатбозликка берилмаслиги керак. Менинг илтимосим, керак бўлса, талабим шуки, Андижон заминида ғийбатга — аламзадаликка ҳеч қандай ўрин қолдирмаслигимиз зарур.

Биз мана шу ҳолатларни инобатга олиб, вилоят фаоллари ва оқсоқоллари билан фикрлашиб, бу лавозимга шу юрт, шу заминнинг шароитини яхши биладиган, ҳозирги пайтда қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган Сайдулло Бегалиев номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Ҳурматли дўстлар!

Янги ҳоким ҳақида гапирганда, ўйлайманки, бу одам ўз зиммасига қандай масъулиятли вазифани олаётганини яхши тушунади. Баъзан шундай бўладики, киши бирор вазифага тайинланаётганида ўзининг имкониятлари шу вазифани адо этиш учун етарлими, йўқми — бунга аҳамият бермайди.

Агар одам ўз имкониятлари даражасидан ортиқ вазифани бўйнига олса, табиийки, номутаносиблик вужудга келади. Шунинг учун, етакчи бўламан, деган ҳар қайси инсон фақат ўзига ишонмасдан, аввало, у билан бирга ишлайдиган раҳбар ва мутахассисларнинг билим ва тажрибасига, халқнинг қўллаб-қувватлашига суяниб фаолият олиб борсагина, ижобий натижаларга эришиши мумкин.

Энг муҳими, раҳбар, мен ўзимга юклатилган вазифани адо этиш учун ҳали жуда кўп меҳнат қилишим, изланишим керак, деган фикр-туйғу билан, эзгу интилиш ва пок ният билан яшаши лозим. Акс ҳолда, у оёғи заминдан узилиб, атрофидаги лаббайчи-хушомадгўйларнинг сохта мақтовларига ўрганиб қолиб, хотиржамлик, беғамликка берилса, шу куни ўз лавозимига фотиҳа ўқиган бўлади.

Мен барча катта-кичик раҳбарлар мана шу ҳақиқатни, мана шу огоҳлантиришни ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини сўрардим.

Ишончим комилки, ишнинг негизини биладиган, тадбиркорлик ва изланувчанлик хусусиятларини доимо намоён этиб келаётган Андижон аҳли янги раҳбар атрофида бирлашиб, бугун замоннинг ўзи олдимизга қўяётган вазифаларни ҳал этиш, вилоят шуҳратини янада ошириш учун сидқидилдан меҳнат қилади.

Ана шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

# АФИНАГА ЙЎЛ ЧОРВОҚДАН БОШЛАНАДИ

**Спортнинг байдарка ва каноэда эшкак эшиш тури бўйича Афина олимпиадасига еттита йўлланмани қўлга киритган ҳамюртларимиз Япониядан қайтиб келишди. Биз Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Вячеслав ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбатлашдик.**

**— Вячеслав Қодирович, аввало ғалаба муборак бўлсин! Мусобақа тафсилотлари тўғрисида гапирсангиз...**

— Олимпия ўйинларига йўлланма олиш учун кўпгина спорт турлари бўйича вакилларимиз бир қанча халқаро мусобақаларда иштирок этишди. Аммо байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича эса олимпиада олдидан саралаш босқичини ўтовчи баҳслар чекланганди. Аниқроғи, терма жамоамиз фақат Осиё чемпионатида биринчи ўринларни қўлга киритсагина Афинага бориш имкониятига эга бўларди. Шу боис, мазкур масъулиятли мусобақага жиддий ҳозирлик кўрдик. Япониянинг Комацу шаҳридаги машҳур Киба кўлида кутилганидек, қитъамизнинг энг кучли 19 давлати терма жамоаси ғолиблик учун кураш олиб борди. Байдаркада эшкак эшиш бўйича эркаклар ўртасида олти, аёллар баҳсида тўрт нафар вакилимиз йўлланма учун бор маҳоратини кўрсатди. Эркаклар ўртасида ўтган каноэда эшкак эшиш бўйича икки нафар спортчимиз ўз омадини синаб кўрди. Якунда шогирдларим еттита йўлланмага сазовор бўлди.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон байдаркачилари Япония, Қозоғистон спортчиларини ортда қолдириб, Хитой вакилларидан кейин иккинчи ўринни эгалладилар.




**— Якуний натижадан кўриниб турибдики, мусобақада ҳар бир йўлланма учун баҳслар ниҳоятда қизғин ўтган...**

— Албатта. Келинг, тўлиқ тасаввурга эга бўлишингиз учун байдаркачиларимиз эришган кўрсаткичларга назар ташлайлик. Жаҳон кубоги, Осиё чемпионати ва Осиё ўйинлари совриндори фарғоналик Антон Ряхов 500 метр масофага байдаркада эшкак эшиш бўйича 1:42:820 натижани қайд этиб, қитъада тенгсиз эканлигини намойиш этди. У жаҳон чемпионати финалчиси хитойлик Ли Хай Тао (1:43:539) ҳамда жанубий кореялик Нам Супа-Хо (1:43:938)ларни ортда қолдириб, кетма-кет иккинчи бор олимпиада йўлланмаси соҳиби бўлди. Эсингизда бўлса, Антон Сидней олимпиадасининг ярим финалчиси бўлганди. Шунингдек, 1000 метр масофага эшкак эшик бўйича тўртлик баҳсларида ҳам вакилларимиздан Антон Ряхов, Сергей Борзов, Дмитрий Стричков, Алексей Бобожонов (2:57:491)лар асосий таъқибчиларимиз Хитой спортчиларини ярим сония (2:57:102)га ортда қолдириб, барчани лол этди. Мусобақа якунида, ўзларига ортиқча баҳо берган хитойликлар мураббийи бизни ғалаба билан табриклади. 500 метр масофага эшкак эшиш бўйича иккилик баҳсларида байдаркачиларимиз Дмитрий Стричков, Антон Ряховлар (1:31:337) жаҳон чемпионати совриндорлари қозоғистонлик Дмитрий Торлодов, Дмитрий Калтенбергер (1:31:640)ларнинг шаштини сўндира олди. Йўлланмалар сони бундан-да кўпроқ бўлиши мумкин эди. Бироқ, байдарка бўйича аёллар ва каноэчиларимизга бироз маҳорат етишмади. Улар мусобақада иккинчи натижани қайд этишди.



**— Афина олимпиадасига қандай ҳозирлик кўриляпти?**

— Делегациямиз мусобақалардан қайтгач, терма жамоамизга 27 комплект энг замонавий қайиқлар берилди. Бу эса спортчиларимизни янги ғалабалар сари ундаши табиий. Шогирдларим билан Афина олимпиадасида фақат совринли ўринлар учун курашишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Шу боис, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Режа бўйича 1-25 июнь кунлари Чорвоқ денгизида ўқув-машғулот йиғини ўтказилади. Сўнгра, 27-30 июнь кунлари Дуйсбург (Германия)да Жаҳон кубоги баҳсларида қатнашамиз. Бу мусобақа олимпиада олдидан байдаркачиларимиз учун муҳим синов вазифасини ўтайди. Чунки, Германияда олимпиадага йўлланма олган барча спортчилар қатнашади. Рақибларимизнинг имконияти билан танишиш учун энг қулай фурсат ўшанда бўлади.

Жаҳон кубоги баҳсларидан сўнг, яна юртимизда машғулотларни давом эттириб, иқлимга мослашиш учун Афинага бошқа спортчиларимиздан барвақтроқ жўнаб кетамиз.

**Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди**

✧✧✧

**Суратларда:** халқаро тоифадаги спорт устаси Антон Ряхов; мусобақадан лавҳалар.

# БАШОРАТЛАР ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИМИ?

Шу кунларда миллионлаб футбол ишқибозлари Португалияда бўлиб ўтадиган «Евро — 2004» баҳсларини орзиқиб кутмоқда. Гарчи бу қитъа биринчилиги бўлса-да, унга «иккинчи жаҳон чемпионати», дея таъриф берилади.

1960 йилда ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақа ҳар тўрт йилда ўтказиб келинади. Чемпионат тарихи давомида уч бор Германия, икки бор Франция, СССР, Италия, Испания, Чехословакия, Нидерландия ва Дания терма жамоалари муваффақият қозонишган.

Бу гал қайси терма жамоа Европа чемпиони бўларкан, деган саволга букмекерлик идоралари мухлису мутахассислар фикрини ўрганиб, терма жамоалар имкониятини тахминан баҳоламоқда. Унга кўра, Франция ёки Италия терма жамоалари чемпионлик учун асосий даъвогар ҳисобланади. Кейинги ўринларда нидерландияликлар ва мезбонлар ғалаба қозониш учун яхши имкониятларга эга, деб топилди. Шунингдек, Испания ва Англия терма жамоалари ҳам чемпионликка анча яқин туришибди. Таркиб жиҳатдан кучли бўлишига қарамай, Чехия, Германия, Швеция ва Дания терма жамоаларининг имконияти бироз пастроқ баҳоланмоқда. Болгария, Россия, Греция ва Хорватия терма жамоаларининг чемпион бўлиши ҳақиқатдан йироқ ҳодиса, дея эътироф этилмоқда. Швейцария ва Латвия терма жамоаларига эса турнир аутсайдери сифатида қараляпти.

Финал босқичига йўлланма олган терма жамоаларнинг саралаш гуруҳлари қуйидагича кўриниш ҳосил қилган:

**«А» гуруҳи:**
Греция, Испания,
Португалия, Россия;
**«В» гуруҳи:**
Франция, Англия,
Хорватия, Швейцария;
**«С» гуруҳи:**
Дания, Италия,
Болгария, Швеция;
**«D» гуруҳи:**
Нидерландия, Германия,
Латвия, Чехия.

Башоратчилар фикрича, Португалия, Франция, Италия ва Нидерландия терма жамоалари ўз гуруҳларида биринчи, Испания, Англия, Швеция ва Чехия футболчилари иккинчи ўринни эгаллаб чорак финалга йўлланма олиши мумкин. Лекин футболда «майдон текис, тўп думалоқ», деган гап бор. Ёдингизда бўлса, ЕЧ — 92 олдидан аутсайдер саналган данияликлар турнир кашфиёти бўлиб, чемпионликкача бўлган йўлни босиб ўтган эди. 1996 йилги ЕЧ ғолиби Германиянинг имкониятлари 2000 йилда ҳам юқори баҳоланган ва бор-йўғи 15-ўрин билан чекланишган эди. Футбол ана шундай кутилмаган натижаларга бойлиги билан барча жамоаларни ҳушёрликка чорлаб туради. Демак, имкониятлар қандай баҳоланишидан қатъи назар учрашувлар кескин ва муросасиз ўтиши табиий.

Энди икки оғиз Европа чемпионатига тайёргарлик хусусида. Португалия ҳукумати қурилиш, пардозлаш ишларига 550 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди ва стадионлар халқаро талабларга тўла мослаштирилди. Стадионлар атрофида тиббий бўлимлар қурилди ва автомобиллар тўхташ жойлари кенгайтирилди. Шунингдек, офислар, барлар, ахборот тизими ва реклама тўсиқлари такомиллаштирилди.

Лиссабон, Порту, Авейру, Коимбре, Браге, Гимарайнше, Лейрии, Фару шаҳарлари чемпионатга мезбонлик қилади. Мусобақалар 12 июнь куни Португалия — Греция терма жамоалари учрашуви билан очилади ва 4 июлда чемпион номи маълум бўлади.

Футбол бўйича Европа чемпионати нафақат гўзаллиги билан, балки моддий рағбати жиҳатдан ҳам алоҳида нуфузга эга. UEFA ижроқўми қарорига кўра, финал баҳсларида иштирок этадиган барча 16 жамоа 7,5 миллион Швейцария франки миқдорида рағбатлантирилади. Гуруҳ баҳсларидаги ҳар бир ғалаба учун 1 миллион, дуранг учун 0,5 миллион Швейцария франки берилади. Жамоа чорак финалга йўлланма олса 3 миллион, ярим финалда иштирок этса 4 миллион Швейцария франкини қўлга киритади. Иккинчи ва учинчи ўрин эгалари 6 миллион, ғолиб жамоа эса 10 миллион Швейцария франки билан тақдирланади. Лекин футболчилар учун асосийси бу эмас. Улар ватан шаъни, мамлакат байроғини ҳимоя қилиб майдонга тушадилар...

**Анвар САМАДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Azimjon AYUPOV**
**Aziz NOSIROV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Anvar SAMADOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 662
10315 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi —*
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

# «ЁШЛАР ЁШЛАР ОРАСИДА»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги Ёшлар маркази «Ёшлар ёшлар орасида» шиори остидаги янги ҳаракатни бошлади. Яқинда марказ ташаббуси билан Зангиота туманидаги Ўртаовул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган маданият саройида ХДП туман кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда сўнгги қўнғироқ олдидан мактаб ўқувчилари билан шоу-дастур уюштирди. Унда туман мактабларидан уч юзга яқин юқори синф ўқувчилари иштирок этдилар. Тадбирда ХДП ҳузуридаги Ёшлар марказида фаолият кўрсатаётган турли касбдаги ёшлар битирувчиларга касб танлашга доир фикр-мулоҳазаларини билдириб, улар орасидан истеъдодлиларини танлаб олиб, ўз совғаларини тақдим этдилар. Айниқса, Ёшлар маркази раиси М. Мирза-Аҳмедов, кинорежиссёр ва актёр Улуғбек Йўлдошев, шоира Мусалламбону Умирова, ёш ҳуқуқшунос олима Гулноза Сатторова, қатор халқаро мусобақалар чемпиони Али-акбар Васиҳовларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулазиз Карим ва ёш хонанда Салоҳиддин Сайфиддиновлар ижро этган қўшиқлар, Марказий Кенгаш Ёшлар маркази ҳузуридаги ижодкор ёшлар гуруҳи аъзолари — Бекзод Пўлатов, Набижон Набиев, Абдулла Машрабхонов, Сухроб Мирсолиҳов ва Элёр Бадаловларнинг шўх ҳазил-мутойибалари даврани қизитди. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги «Али-Акбар» таэквондо клуби йигит-қизларининг чиқишлари ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир якунида мактаблар кутубхоналарига ХДП Зангиота туман кенгаши томонидан бадиий китоблар, турли фанлар бўйича туман мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган олимпиадада биринчи ўринни эгаллаган йигирмага яқин мактаб ўқувчиларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг совғалари топширилди.

— Бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса биз ёшларнинг касб танлашда ва ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда фойдали бўлар эди, — деди 33-мактаб ўқувчиси Доно Юнусова.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши иккинчи котиби М.Тоиров иштирок этди.

**Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА**

**Интер-спорт**

## ҲИМОЯ ЧИЗИҒИ СУСТРОҚ

Ўтган куни Австриянинг Граце шаҳрида бўлиб ўтган Россия ва Австрия терма жамоаларининг ўртоқлик учрашувида Горгий Ярцев шогирдлари Европа чемпионатига қай даражада тайёр эканликларини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Асосий таркибдан ўрин олган тўрт нафар ўйинчининг майдонга туширилмаганига қарамай россиялик футболчилари учрашув мобайнида бирмунча устувор ўйин кўрсатдилар. Майдон эгалари ҳам бўш келишмади. Лекин учрашув 0:0 ҳисобида тугади.

Ярцевнинг фикрича: «Европа чемпионатига тайёргарликда жамоанинг ҳимоя чизиғини мустаҳкамламаса, бўлмас экан». Россия терма жамоаси энди 2 июнь куни легионерлар терма жамоасига қарши майдонга тушади.

## «ЧЕЛСИ»ГА ЎТАДИГАН БЎЛДИ

Маълумки, Лондоннинг «Челси» клуби соҳиби Роман Абрамович Италиянинг «Милан» жамоаси ҳужумчиси Андрей Шевченкони сотиб олмоқчи эканини баён қилганди. Бу таклифга Андрей рози бўлмади. «Милан» ҳимоячиси грузин Каха Каладзе Тбилисида ўтказилган Исроил футболчилари билан ўртоқлик учрашувидан кейин: «Шевченко ҳам, мен ҳам «Челси»га ўтмоқчи эмасмиз», деган фикрни айтган. Лекин «Реал»нинг спорт директори Хорхе Вальдано «Челси»га бразилиялик ҳимоячи Роберто Карлосни Андрейга аталган 20 миллион фунт стерлинга сотишга рози эканлигини маълум қилди. Энди 31 ёшли Роберто янги жамоада ҳафтасига 120 минг фунт стерлинг ҳақ оладиган бўлади.



# КЕЛАЖАК «БОҒБОНИ»

Муаллимларни «келажак боғбони», дейишади. Йигирма йилдан бери Наманган туманидаги 20-мактабда тарих фанидан ўқувчиларга сабоқ бераётган Файзихон Набиева буюк миллат келажагини яратиш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган боғбонлардан.

Опани дарсдан кейин ҳам мактабдан топасиз. Қўшимча машғулотлар, тўгараклар билан машғул бўлади. Шунинг учун бўлса керак, у раҳбарлик қилаётган тарих фани тўгараги ўқувчилари, мана беш йилдирки, республика миқёсида ўтказиладиган «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Ўтган йили туман ва вилоят босқичида мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, Бухоро вилоятида ўтган республика кўрик-танловида совринли ўринни эгаллашганди. Бу йил ҳам Самарқанд вилоятида ўтган мусобақада 2-ўринни қўлга киритишди.

— Ўтмишсиз келажак йўқ. Тарихни ўрганмай туриб буюк келажак яратиб бўлмайди, — дейди халқ таълими аълочиси Файзихон Набиева. — Ўқувчиларимга кўпроқ шуни уқдираман. Ўтмишдошларимиз етти иқлимга донг таратган. Аждодларинг ким бўлганини, улар амалга оширган ишларни билиш ўқувчининг қатъиятли, ғурурли бўлиб улғайишига замин яратади.

Дарҳақиқат, шахснинг комил инсон бўлиб воятга етишида, миллатнинг ғururини оширишда Ватан тарихи, буюк ўтмиши ва шу ўтмишни ёшларга ўргатадиган ўқитувчи муҳим роль ўйнайди.

**(Ўз мухбиримиз)**

✧✧✧

**Суратда:** Ф. Набиева ўқувчилари даврасида.

# АБАДИЯТ ЛАҲЗАЛАРИ

Катта ўзбек адабиёти, шеъриятида халқ шоири Муҳамад Юсуф номи мухлислар севгиси, изтироби, армони ила мангу жаранглайди.

Ватан, унинг озодлиги куйчиси, муҳаббат, меҳр туйғуларининг бедор жарчиси бўлган шоир ўзининг қисқа умри давомида сўзлари тошларни ёришга қодир, оҳанглари осмон каби баланд, бетакрор, олов сатрлар, достонлар, шеърлар қолдириб кетди.

Шоир маънавий меросини, номини абадийлаштириш, ижодини кенг тарғиб қилиш, юрт, истиқлол, Ўзбекистонимизни улуғлаш, эъзозлаш руҳи ила йўғрилган асарларини ёш авлод онгига сингдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг шоир таваллудига 50 йил тўлиши муносабати билан чиқарилган қарори халқимиз томонидан катта қувонч, марҳум хотирасига бўлган эҳтиром сифатида қабул қилинди.

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги 324-ўрта мактабда Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган кеча ўтказилди. Унда иштирок этган шоирнинг рафиқаси Назира ас-Салом ўзи гувоҳ бўлган абадият лаҳзалари, бирга ўтказган кунлар хусусида гапирар экан, айрилиқнинг залворли армон юкини кичик жуссасида кўтариб юрган бу аёлнинг сўнмас хотиралари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари шоир шеъриятидан парчалар ўқидилар. Унинг мазмун-моҳияти хусусида мулоҳаза юритдилар.

**Лазиза ОРИФХЎЖАЕВА**

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### ОМОНАТ ИШ ОВОРА ҚИЛАР

«Ҳар бир ишни бошидан пухта қил. Шоша-пиша, хом-хатала, омонатгина қиладиган бўлсанг, кейин камчилигини тузатаман деб, овора бўласан», деган маънода қўлланиладиган мақол. «Тез битган ишнинг бақоси бўлмас», «Тез битган — тез йитар», «Пухтанинг иши — «беш», «Шошманинг иши — бўш», «Лойни чала тепсанг, кўза бўлади, роса тепсанг — жонон» (жонон — «энг тоза, энг сифатли, энг нафис чинни», маъносида), «Пишиган лойнинг чиннисн тоза бўлади», «Уй қурсанг, пойдеворини пухта қур», «Пойдеворнинг тагига ишла», «Деворнинг тагини қийшиқ урсанг, усти ҳам қийшиқ бўлади», «Сизотга қурилган том тубалик бўлмас» (сизот — ер ости суви сизиб чиқиб турадиган зах ер, том — уй, ҳовли-жой, тубалик — доимий, абадий турадиган, чидамли), «Сизотда қозиқ турмас, музда — ёзиқ (ёзиқ — ёзув, музга ўйиб ёзилган ёзув узоқ вақт сақланиб турмайди, эриб, йўқ бўлиб кетади), «Умрим узун бўлсин десанг, ўз ишингга пухта бўл!, «Ишни ғўр қилма, ўзингга оғир қилма», «Зўрма-зўракига иш қилсанг, йиқиласан», «Ола ишга ўрин йўқ, роса ишдан кўнгил тўқ», «Иш аввали жойли бўлса, охир бориб мойли бўлар».

### ОЛТИН ОЛМА, ОЛҚИШ ОЛ, ОЛҚИШ ОЛТИН ЭМАСМИ?!

«Кишиларга яхшилик қил. Яхшилик қилсанг, эл орасида номинг қолади. Яхшилик қилиб, кўпчиликнинг олқишини олсанг, бу сенга олтиндан ҳам фойдалироқ бўлади», деган маънода айтилувчи мақол. «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?!» (дуо — бу ўринда «олқиш» сўзининг синоними сифатида «кимсага тиланадиган яхши тилак, яхши ният» маъносида ишлатилган), «Ёғиш билан ер кўкарар, олқиш билан эр кўкарар», «Олқиш олган — оримас, қарғиш олган — ёримас», «Олқиш олган — омондир, қарғиш олган — ёмондир» (Бу кейинги мақолларда кишиларга яхшилик қилиб қанчалик яхши оқибатларга, ёмонлик қилиб, қарғиш, лаънатлар эшитиш эса қанчалик ёмон оқибатларга олиб бориши қайта-қайта уқтирилган).

### ОЛОМОНДАН ҚОЧГАН — ҚУТУЛМАС

Бу билан: «Кўпчиликка асло ёмонлик қила кўрма, жиғига тегма, ранжитма! Акс ҳолда кўпчиликдан, халойиқдан сира қочиб қутулолмайсан, тутиб олиб адабингни беради, «тавбангга таянтириб қўяди», ҳатто «оломон қилиб» ўлдириб юбориши ҳам ҳеч гап эмас», деган маънода насиҳат қилганлар.

«Ўзимпэксалоқа» *ЁАЖ учун берилган божхона юкларини расмийлаштиришда ишлатиладиган тўғри тўрт бурчак 2-рақамли штамп йўқолганлиги сабабли* БЕКОР ҚИЛИНАДИ

**КУРАШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ**
*инглиз, испан, француз, япон тилларини мукаммал биладиган, ёши 35 дан ошмаган, Ўзбек кураши қонун-қоидаларидан хабардор, жинси ва миллатидан қатъи назар, дунёвий билимларга эга бўлган олий маълумотли фуқароларни танлов асосида ишга қабул қилади.*
**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй. Тел: 144-71-98.**